

# **“Мурувват” уйида Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ташқил этилди.**



Қумқўрғон туманида ногиронлиги бўлган болалар учун “Мурувват” интернат уйида Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги муносабати билан байрам тадбир ўтказилди.

Унда Қумқўрғон туман ҳокими Анвар Нормаматов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи М.Тоғаев, сектор раҳбарлари ҳамда Президент Халқ қабулхонаси тумани бўлими мудирини Рустам Тўхтаевлар иштирок этди.

Тадбирда туман ҳокими сўзга чиқиб Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги байрами муносабати билан болажонларни табриклади.

Шундан сўнг туман ҳокими ва сектор раҳбарлари томонидан ушбу масканданги васийликка олинган болажонлар учун турли-хилдаги совғалар берилди.

Тадбир сўнгида ихтидорли болажонлар томонида шўх куй-қўшиқлар куйланиб тадбирга кўтаринки кайфият бахшида этди.